Ватанни севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 1 декабрь, пайшанба №176 (21.751) Сотувда эркин нархда.

## САМИМИЙ МУЛОҚОТ

**29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг республикамиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, маҳаллий ва чет эллик журналистлар билан учрашди.**

Ислом Каримов йиғилганларга шу йилнинг августида бўлган учрашувдан сўнг ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар хусусида сўзлади. Ўзбекистон раҳбари, жумладан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг шу йил сентябрь ойида Тошкентда ўтган минтақавий семинари халқаро аҳамиятга эга муҳим воқеа бўлганини таъкидлади. Жаҳоннинг 30 дан зиёд мамлакатидан вакиллар қатнашган ушбу анжуман иштирокчилари семинарнинг ғоят фойдали бўлганини қайд этганини таъкидлар экан, мамлакатимизда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг минтақавий ваколатхонасини очишга келишиб олиниши семинарнинг муҳим натижаларидан бири бўлганини айтди.

Биз Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг жаҳонда, жумладан, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталик қарор топиши йўлида қилаётган ишларини юксак баҳолаймиз, деди Ислом Каримов. Ўзбекистон бу обрўли ташкилотнинг Венгрияда яқинда ўтадиган анжуманига ҳам жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Америка Қўшма Штатлари давлат департаментининг МДҲга аъзо мамлакатларга нисбатан сиёсий бош мувофиқлаштирувчиси Жеймс Коллинз раҳбарлигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон—АҚШ муносабатлари тарихида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон Президенти ўзаро музокаралар чоғида жаҳонда ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашга ҳамда Ўзбекистон ва Америка ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқариш мақсадида, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганини, музокаралар якунида ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан муҳим ҳужжатлар имзоланганини учрашув иштирокчиларига маълум қилди.

Шу йил 21 октябрда МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Ислом Каримов йиғилганларни ушбу учрашув якунлари билан таништирар экан, айрим сиёсий кучлар МДҲ мамлакатларидаги мавжуд иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, халқларни чалғитишга уринаётганини, давлат тепасида турувчи сиёсий тузилмалар тузишни таклиф этиш билан собиқ империяни тиклашга интилаётганини айтди. Ягона парламент, ягона фуқаролик, ягона армия бўлишини кўзда тутувчи Евроосиё деб аталмиш иттифоқни тузиш каби таклифлар истиқлолга эришган давлатлар мустақиллигига жиддий хавф солишини таъкидлади.

Ягона тўғри йўл иқтисодий интеграция йўлидан боришдир, деди Ислом Каримов. МДҲ давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви чоғида давлатлараро иқтисодий қўмитанинг ташкил этилиши бу борадаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутади. Афсуски: орадан бир ярим ойга яқин вақт ўтса ҳам қўмитанинг ишида жонланиш сезилмаяпти. Агар МДҲ мамлакатлари амалий ишга киришмас экан, бу муҳим аҳднома ҳам қоғозда қолиб кетади.

Ислом Каримов Ўзбекистон-Хитой муносабатларига тўхталиб, яқинда Ўзбекистон давлат делегациясининг Хитойга ташрифи ўзаро алоқаларни ривожлантириш йўлида муҳим босқич бўлганини айтди. ХХР Бош вазири Ли Пэн жаноблари мамлакатимизга расмий сафарда бўлганидан буён ҳамкорликнинг мустаҳкам асосини яратган 26 битим ва ҳужжатлар имзоланганини, бу галги ташриф давомида яна икки муҳим аҳдномага эришганини билдирди.

Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг Истанбулда ўтган учрашуви ҳам халқаро майдонда сезиларли воқеа бўлди. Бироқ, айрим сиёсатдонлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари бу учрашувни нотўғри талқин қилишга уринмоқдалар. Ислом Каримов бундай уринишларнинг асоссизлигини яна бир карра таъкидлар экан, Озарбойжон, Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Туркия қардошлик анъаналарига таянган ҳолда кўптомонлама ва икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга аҳдлашганини ва бу ҳамкорлик ҳар бир давлатнинг миллий мустақиллиги ва эгаменлигига ҳурмат руҳида амалга ошишини баён қилди. Истанбулда қабул қилинган баённома Россия билан муносабатларга асло нифоқ солмаслигига ишонч билдирди. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия минтақада тинчлик ва осойишталикни кафолатловчи мамлакат сифатида муҳим ўрин эгаллашини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон расмий делегациясининг Украинага ташрифи ва Ўзбекистон-Германия маслаҳатлашувларининг учинчи босқичи якунларига ҳам тўхталиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон раҳбари Тожикистондаги вазият масаласига муносабат билдирди. Тожикистонда аҳволнинг яхшиланиши, миллий тотувлик борасидаги илк ижобий ўзгаришлар юз бераётганидан мамнуният изҳор этар экан, ҳали республикада тинчлик ва осойишталик қарор топгани ҳақида гапириш эрталигига эътибор қаратди. Халқаро ташкилотлар, ривожланган мамлакатлар ёрдамисиз жабрдийда тожик халқи бу йилги қишни талафотсиз кечириши ғоят қийин. Бироқ, айрим мамлакатлар, халқаро ташкилотлар инсонпарварлик ёрдамларини у ёки бу гуруҳнинг сиёсий ақидаларига қараб тарқатмоқдалар. Ислом Каримов инсонпарварлик ёрдами мухолиф гуруҳлар сиёсий қарашларини эътиборга олиб эмас, сиёсий ўйинлардан энг кўп талафот кўрадиган халққа мўлжалланиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов Афғонистон ташқи алоқалар давлат вазири Н. Лафроининг мамлакатимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон Кобулга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга тайёр эканини маълум қилди. Бу юкларни Афғонистон халқига етказишда БМТ ёрдам кўрсатишига умид билдирди. Президент Афғонистон вазирининг ташрифи Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан амалга ошганини, музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожи, Ўзбекистон—Афғонистон, Тожикистон-Афғонистон чегараси дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинганини қайд этди.

Мамлакатимиз муҳим сиёсий воқеа арафасида турибди. Юртимизда 25 декабрь куни илк бор парламентга кўппартиялилик асосида сайлов бўлиб ўтади. Юртбошимиз бу муҳим тадбирнинг мамлакатимизда демократияни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги аҳамиятига тўхталди. Сайловда кузатувчи сифатида қатнашиш учун БМТ, ЕХҲК, Европарламент ва МДҲ вакиллари таклиф этилганини айтди. Шу йил 14-16 ноябрь кунлари сайловни ташкил этиш юзасидан ўтказилган семинар ўзининг ижобий натижаларини беришига умид билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов самимий руҳда ўтган учрашувда хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари ва журналистларнинг республикамиз ички ва ташқи сиёсатига оид кўплаб саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

**Амиркул КАРИМ.**
**(ЎзА).**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



30 ноябрь куни Бельгия қироллигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мишель Адам республикамиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи ишонч ёрлиғини топщирар экан, Бельгия ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга бор куч-ғайратини сарфлашини айтди.

Мамлакатимиз аҳли ўзбек халқининг буюк ўтмиши, қадимий ва бой маданияти, жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси билан яхши таниш, — деди элчи. — ХХ ас ниҳоясида янги тарих саҳифасини очаётган Ўзбекистон билан турли соҳалардаги алоқаларимизни янада ривожлантириш эса давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлайди, деб умид қиламан.

Ислом Каримов Мишель Адамни масъулиятли ва шарафли лавозимга тайинлангани билан қутлаб, унинг икки мамлакат манфаатлари йўлида самарали фаолият кўрсатишига ишонч билдирди.

— Биз Бельгия билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни, жумладан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши доирасидаги алоқаларни кенгайтиришга интилмоқдамиз, — деди Ислом Каримов. — НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурига аъзо бўлишимиз республикамизнинг ўзаро ҳамжиҳатлик ва тинчлик учун курашаётганидан далолат беради.

***

Шу куни Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Андрис Вилцанс Президентимиз Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги биринчи элчиси Андрис Вилцанс нечаф ўн йиллар мобайнида ўзбек ва латиш халқлари бир-бири билан узвий алоқа боғлаб келгани, айни пайтда икки мустақил республика ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш жуда муҳим эканини айтди. У Латвия Республикаси бугунги кунда иқтисодий ўтиш даврининг мураккаб жараёнини бошдан кечираётгани, Буюк ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш бу борадаги муаммоларни ҳал этишда яхши омил бўлишини таъкидлади.

Мамлакатимиз Президенти ҳар икки мамлакат ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликка муштоқлиги ва бу борада катта имкониятлар мавжудлигини айтди. Ислом Каримов ана шу имкониятларни ишга солишда Андрис Вилцанснинг самарали фаолият кўрсатишига ишонч билдирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

**(ЎзА).**

***

**Суратларда: ишонч ёрлиқларини топшириш пайти.**

Суратларни Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси савдо, саноат ва энергетика вазирлигининг савдо-сотиқни ривожлантириш бўйича бош директори Еунг Ву Ро ва "ДЭУ Корпорейшн" президенти Ки Бум Ю раҳбарлигидаги Корея — Ўзбекистон савдо ва иқтисодий ҳамкорлик қўмиталари делегациясини қабул қилди.

Ўзбекистон Президенти Корея Республикаси билан мамлакатимиз ўртасидаги алоқалар ривожидан мамнуният изҳор этар экан, бу борада Ўзбекистон – Корея қўшма корхоналари муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик бўйича Корея – Ўзбекистон ва Ўзбекистон – Корея қўмиталарининг фаолияти, жумладан, обрўли делегация ташрифи чоғида имзоланган аҳдномалар ўзаро манфаатли алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилишига ишонч билдирди.

Жаноб Еунг Ву Ро самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этди. Корея ишбилармонлари Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятларини янада кенгайтириш тарафдори эканини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, В. Чжен, Ю. Пайгин иштирок этди.

Маросимда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Се Ген И ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### М. В. МУҲАММАДЖОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Биолог" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори маслаҳатчиси Мирзаали Валиевич Муҳаммаджонов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 30 ноябрь.

## ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалани кўрди. Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Агзам Фаёзов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у вилоят партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси ва биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган Нозимжон Қозоқов Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси ва биринчи котиби этиб сайланди.

Наманган вилояти ҳокими Б. Рапиғалиев пленумда нутқ сўзлади.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби А. М. Жалолов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Унда, шунингдек, тафтиш комиссияси аъзолари, вилоят партия кенгашига аъзо бўлмаган шаҳар ва туман кенгашлари котиблари иштирок этдилар.

**Раҳимжон ИРИСОВ,**
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### "ЎЗНЕФТГАЗ" МИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯСИ ВА "ЎЗМОНТАЖ МАХСУС ҚУРИЛИШ" УЮШМАСИ КОРХОНАЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссалари ҳамда Муборак газни қайта ишлаш заводида олтингугурт тозалайдиган 13-блок фойдаланишга топширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилсин:

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ"**

**АЗАРЯН Нерсес Николаевич** — "Ўзнефтгазқурилиш" Давлат-акционерлик бирлашмасига қарашли "Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш" трести Муборак қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**ОРТИҚОВ Радик Назибоевич** — "Ўзнефтгазқурилиш" Давлат-акционерлик бирлашмасига қарашли "Муборакнефтгазмонтаж" трести 9-ихтисослаштирилган бошқармаси технологик қувурлар монтажчиси

**ЖАББОРОВ Наимжон Қаюмович** — "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмасига қарашли "Ўзиссиқликмонтаж" трести Самарқанд шаҳар иссиқлик қатламларини муҳофаза қилиш бошқармасининг бошлиғи

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ"**

**ЗАЙНИЕВ Нуриддин** — "Ўзнефтгазқазибчиқариш" Давлат-акционерлик бирлашмасига қарашли Муборак газни қайта ишлаш заводининг директори

**ВА ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**АРСЛОНОВ Жума Мастонович** — "Ўзнефтгазқазибчиқариш" Давлат-акционерлик бирлашмасига қарашли Муборак газни қайта ишлаш заводининг чилангар-монтажчиси

**ВЕЛИТЯК Богдан Петрович** — "Ўзнефтгазқазибчиқариш" Давлат-акционерлик бирлашмасига қарашли Муборак газни қайта ишлаш заводининг бош механиги

**КАМОЛОВ Саиджон Жамолович** — "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмасига қарашли 93-махсус трест жамоа корхонаси Қарши махсус монтаж бошқармасининг 4-участка прораби

**ЛЕВЧЕНКО Сергей Андреевич** — "Ўзнефтгазқурилиш" Давлат-акционерлик бирлашмасига қарашли "Муборакнефтгазмонтаж" трести 9-қурилиш бошқармасининг бош муҳандиси

**МИРЗАЕВ Эркин Қодирович** — "Ўзнефтгазқурилиш" Давлат-акционерлик бирлашмасига қарашли "Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш" трестининг бошқарувчиси

**РАҲИМОВ Берди Чориевич** — "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмасига қарашли 93-махсус трест жамоа корхонаси Қарши махсус монтаж бошқармасининг 2-участка 5-даражали монтажчиси

**ТАШЕВА Ирина Петровна** — "Ўзнефтгазқурилиш" Давлат-акционерлик бирлашмасига қарашли "Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш" трести Муборак қурилиш-монтаж бошқармасининг бўёқчиси

**ТЕ Владимир** — "Ўзнефтгазкомплект" бирлашмаси бош директорининг биринчи ўринбосари — бош инженери

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 30 ноябрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚЛАРНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ АҲАМИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йилги давлат бюджетини шакллантириш чоғида қуйидагилар солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

Юридик шахслардан олинадиган солиқ миқдорини камайтириш;

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини кўпайтиришга, тадбиркорлик фаолиятини ва инвестиция фаоллигини кенгайтиришга, маблағлар айланишини жадаллаштиришга ва фойдани оширишга солиқларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш;

Табиий ресурслар ва мол-мулкдан олинадиган солиқлар улушини ошириш ҳисобига даромадлар таркибини такомиллаштириш, ресурс ҳамда ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлигига уларнинг таъсирини кучайтириш;

Маҳаллий бюджетларнинг даромад негизини мустаҳкамлаш ҳамда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида солиқларни чегаралаб қўйиш ҳисобига республиканинг давлат бюджетида маҳаллий бюджетларнинг салмоғини жиддий равишда ошириш;

Солиқ солиш механизмини мумкин қадар соддалаштириш ва солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаш.

2. Солиқ тизимини такомиллаштиришнинг мазкур йўналишларини рўёбга чиқаришни таъминлаш учун 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб:

2.1. Қўшимча қиймат солигининг миқдори 20 фоиздан 18 фоизга пасайтирилсин;

2.2. Корхоналарнинг даромад солиғи ўрнига фойдадан олинадиган солиқ жорий этилиб, унинг энг юқори миқдори 38 фоиз қилиб белгилансин.

2.3. Деҳқон (фермер) хўжаликлари, хусусий корхоналар, савдо корхоналари, хорижий инвестицияларга асосланган корхоналар учун амалдаги даромад солиғи тартиби ва солиқ имтиёзлари сақлаб қолинсин.

3. Фойдадан солиқ ундириб олиш чоғида:

3.1. Маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ҳажми ўсишининг ҳар бир фоизи учун белгиланган солиқ миқдорига нисбатан 0,3 фоизли пункт миқдорида пасайтирувчи коэффициент қўлланилсин;

3.2. Баланс фойдасининг 30 фоиздан 50 фоизгача қисмидан ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, уни қайта қуриш ва техника билан қайта қуроллантиришда фойдаланилган тақдирда 5 фоизли пункт миқдорида, баланс фойдасининг 50 фоизидан кўпроқ қисмидан шу мақсадларда фойдаланилган тақдирда эса 10 фоизли пункт миқдорида пасайтирувчи коэффициент қўлланилсин;

3.3. Янги барпо этилган корхоналар учун солиқдан озод қилиш, шунингдек имтиёзлар беришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин;

3.4. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар фойдаган уй-жой ва ижтимоий-маданий қурилишга сарфлаётган маблағларнинг 50 фоизи солиқ тўлашдан озод қилинсин.

4. Монополиячи корхоналар учун белгиланган рентабеллик даражаси оширилишининг ҳар бир фоизига фойдадан олинадиган белгиланган солиқ миқдорига нисбатан 0,5 фоизли пункт миқдорида оширилувчи коэффициент жорий этилсин.

5. Ишлаб чиқариш харажатларига киритиладиган ва солиқ олинмайдиган меҳнат ҳақи фондининг даражаси энг оз иш ҳақи даражасидан тўрт карра ортиқ миқдорда белгилансин.

Шу нарса белгилаб қўйилсинки, меҳнат ҳақи фондининг белгиланган меъёрдан ошадиган қисмидан шу ошган миқдорга қараб прогрессив ставка бўйича фойдадан солиқ олинади.

6. Қуйидаги солиқ турлари бекор қилинсин:

6.1. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиладиган хом аше ресурслари ва маҳсулотдан олинадиган солиқ;

6.2. Фуқаролардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги қонунни жамоа хўжаликларининг аъзоларига нисбатан жорий этиб, уларнинг меҳнат ҳақи фондидан олинадиган солиқ;

6.3. Ўрмон хўжалигидан тушадиган даромадни олиб қўйиш.

7. Белгилаб қўйилсинки, амортизация ажратмаларининг жами ҳажми корхоналарнинг тасарруфида қолади.

8. Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 1995 йилги асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин, бунда қуйидагилар кўзда тутилсин:

Табиий ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида улардан олинадиган солиқларнинг янги ставкаларини белгилаш;

Солиқ соҳасидаги имтиёзларни тартибга солиш;

Даромадларни маҳаллий бюджетлар фойдасига қайтадан тақсимлаш ва ҳудудларнинг ривожланиш даражасига қараб умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг табақалаштирилган меъёрларини белгилаш;

Солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жарима тўлаш чораларини қўлланиш тартибига ўзгартиришлар киритиш.

9. 1994 йил 31 октябрдаги 977-сон фармоннинг 3-банди 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 30 ноябрь.

1994 йил 25 декабрь якшанба — САЙЛОВЛАР куни

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ

## БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

*Ўзбекистонимизни тинчлик, осойишталик ва барқарорликнинг мустаҳкам қўрғонига айлантирайлик!*

*Азиз Ватанимизни асраб-авайлайлик, улуғлайлик, шонушуҳратга буркайлик!*

**(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан)**

### Акром Иброҳимович МЎМИНОВ, 53-Бухоро сайлов округи

— Акром Иброҳимович, кўпчилик ўз эътиқодини сир тутишни афзал билади...

— ХДПдаман. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда вилоят Кенгашининг аъзосиман. Партиянинг дастурий мақсадлари аъмолим асосидир. Миллий истиқлол — мафкурасининг мазмун-моҳиятини кишиларимиз қалби ва ақлига сингдириш учун заҳмат чекишни бурчим ва виждоним амри деб биламан. Фикримча, ХДПдаги ҳар аъзонинг меҳнати-ю, ҳаёти ташвиқот, тарғибот бўлиши лозим.

**— Акром ака, биз ҳаммамиз яхши кўрадиган болалар дўхтирларнинг нинасидан чўчишади, оқ либосларини кўрпша, йиғлайдилар...**

— Болалар дунёда оғриқ, қора ранглар борлигини билишармикин? Шу нарсага ақллари етгач, оғриққа шифо,ёмонга яхши, демакки норасо дунёга дўхтирлар кераклигини англайдилар... Мен 1972-82 йилларда Тошкент Тиббиёт институтининг даволаш факультети декани бўлиб ишладим. 1972 йилда тиббиёт фанлари докторлиги диссертациясини ҳимоя қилдим. 1975 йилда профессорлик илмий даражасини, 1980 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонини олишим насиб этди. 1990 йилдан буён Бухоро Давлат тиббиёт институти ректориман.

**— Оиласиз Луқмони ҳаким ҳам тўкис бўлолмасди.**

— Рост гап. Фарзандларим улғайишган. Мустақил. Эл қатори.

### Камол Ғофурович ДАВРОНОВ, 54-Файзулла Хўжаев сайлов округи

30 ёш билан 40 ёш оралиғи йигитнинг айни кучга тўлган даври. Бу пайтда у янги-янги ташаббуслар билан ёнади. Юрагини қуёш, қўлларини қанотлардек ҳис этиб, баланд парвозларга чоғланади.

Камол Ғофурович Давронов 32 ёшда. ХДП аъзоси. Бухоро Давлат педагогика институтининг тиббиёт факультетини битиргач, меҳнат фаолиятини шу даргоҳ комсомол қўмитаси котибининг ўринбосари, кейинчалик котиби вазифасида ишлашдан бошлади. 1990 йил май ойидан 1991 йил февралигача Ёшлар Иттифоқи Бухоро вилоят қўмитаси тафтиш комиссиясининг раиси сифатида фаолият кўрсатди.

1990 йилнинг кузидан хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, қоракўл тери ва жун сотилишини таъминловчи Бухоро вилоят ассоциациясида раис ўринбосари вазифасида ишламоқда.

Камол меҳнатсевар. Камтарин. Ташаббускор. Бутун ғайратини бир мақсад учун сафарбар эта билади. Ўз ишининг устаси. Табиатан ташкилотчилик, етакчилик қобилиятига эга. Хушмуомала. Меҳрибон. Меҳнат жамоасини ўз атрофида бирлаштира билади. Интизомли. Иқтисодий-сиёсий билимларини мунтазам ошириш ва интилади. Маданиятли. Шу каби фазилатларни ўз шахсида мужассам этиш Камолнинг баркамоллигидан нишона.

Ёшликда шиддат бор. Бу шиддат дунё ва инсонни жами қусурлардан халос қилади. Биз ҳам ёшликнинг қўш қанотига қувват тилаймиз.

### Ҳулкар Баҳодирович ЖАМОЛОВ, 55-Тўқимачилик сайлов округи

Инсон умри... нақадар қисқа. Йўқ, нақадар узун... Умр мазмунини ортда қолган йиллар ва йўллар эмас, экиб қолдирилган дарахтлар, эзгу ишлар белгилайди. Эҳтиёжмандларга энг кўп нафи етаётган паллани, неча ёшда бўлишидан қатъий назар, йигит умрининг чўққиси дейиш мумкин.

Ҳулкар Жамолов ҳам ана шундай чўққида. Дарвоқе, сиз Ҳулкар Баҳодировични танийсизми?... 64 ёшда.

У меҳнат фаолиятини Тошкент авиация заводида бошлади. 1978-85 йилларда Бухоро шаҳар партия комитетининг биринчи котиби вазифасида ишлади. 1985 йилдан касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилади. 1994 йилнинг январида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси қилиб сайланди.

— 1986 йилдан буён Ҳулкар Баҳодирович билан бирга ишлайман,— дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг раиси О. Сафоев.— Республикамиз меҳнат аҳлининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш каби масалалар шу кишининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаларига ва касаба уюшмалари дастурига киритилди.

Ҳ. Жамолов Тошкент шаҳрида яшаса-да, бухороликлар уни яхши биладилар. Зеро, у Бухоро фарзанди. Эл-юрт ташвиши билан ёнган жонкуярни ҳамма ерда билишади.

### Саида Тешаевна ЖЎРАЕВА, 56-Галаосиё сайлов округи

Очиғини айтсак, Саида опага яратганнинг ўзи мукаммал қобилият, қатъият, чўртқесарлик, инсоний фазилат ва гўзалликни қўшқўллаб берган рост. Вилоятда ишчанлик, ташкилотчилик борасида унга тенг аёл раҳбар камдан-кам топилади.

Саида опа 1953 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 1976 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тугатгандан сўнг, Бухоро туманидаги "Ўзбекистон 50 йиллиги" мактабида ўқитувчи, кейинчалик директор ўринбосари бўлиб ишлади. Айни ғайрати жўшиб-тошган пайтда собиқ КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар академиясида таҳсил олди. Сўнг уни партиявий ишга олишди. Туман партия қўмитасида бўлим мудири, халқ депутатлари туман кенгаши ижроқўми раиси муовини, раиси, туман партия қўмитасининг иккинчи котиби, Бухоро вилоят партия қўмитаси котиби бўлиб ишлаганда халқ дарди, ташвиши билан яшади.

Ҳозир у Ўзбекистон халқ демократик партиясининг туман кенгаши биринчи котиби сифатида ҳам, Ўзбекистон Халқ депутати сифатида ҳам эл ташвиши билан яшайди.

Ишда жонкуяр, оилада меҳрибон она бўлган бу аёлга яна галаосиёликлар юксак ишонч билдирдилар. Ўйлаймизки, депутатликда бой тажриба тўплаган С. Т. Жўраева номзодининг кўрсатилиши тасодиф эмас. Эл қизи — эл ташвишисиз яшай олмайди.

### Шуҳрат Тешақулович ҚУРБОНОВ, 57-Вобкент сайлов округи

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш кўп жиҳатдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари, қолаверса, уларнинг етакчилари фаолиятига боғлиқ.

Партия аъзоси Шуҳрат Қурбоновнинг асли касби — ўқитувчилик. Бундан ўн бир йил аввал Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ундаги тиришқоқлик, ишбилармонлик Ёшлар Иттифоқи Вобкент тумани қўмитасидагиларни бефарқ қолдирмади.

Мана, етти йилдирки, у ҳам раис ўринбосари, ҳам партия ташкилоти котиби.

— Шуҳрат Тешақулович давр талабини тез илғайди,— дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ж. Рустамов.— Меҳнат жамоаси олдида ўз мустақил фикрини билдира олади. Одамларни тинглашни билади. Шу боис катта обрў эгаси.

У айниқса, ногирон, кам таъминланган оилаларда кунора бўлади. Ш. Қурбоновнинг ташаббуси билан хўжаликда аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш гуруҳи ташкил этилган. 68 оила шу гуруҳ назоратида. 10 та мустақил фермер хўжалиги ҳисобидан улар озиқ-овқат билан таъминлаб келиняпти.

Қишлоқда кичик корхоналар очишда ташаббускор бўлиш ҳам ана шу жонкуярнинг зиммасига тушган. Айни кунларда "Ҳунар" кичик корхонаси аҳолига мебель ясаб сотаётган бўлса, мойжувоз, гишт заводи, арава цехи, балиқхона меҳнаткашлар манфаати йўлида хизмат қилаётир.

### Акрам Кўкламович БОТИРОВ, 58-Жондор сайлов округи

Жондор — ориятли кишилар юрти. Акрам Ботиров ҳам ўз юртининг фидойиларидан, ориятли баланд инсон. Бир неча йиллардан буён дала кезади, пахта, дон етиштиришни кўпайтириш ташвишида, халқнинг турмуши яхши бўлсин деб тер тўкади.

Бултур ёзда мамлакат Президентининг Акрам ака бригадаси даласида бўлиши барчани зарбдор меҳнатга даъват этди. Ўшанда уни аввал юртбошининг салобати босди. Жуссадор, кенг яғринли бутун вужуди кичрайиб қолгандек туюлди. Мулоқот чоғида эса бунинг бутунлай акси бўлди. Президент у билан самимий суҳбатлашди.

Бригада жамоаси жорий йилда ҳам пахтадан юқори ҳосил олди. Энди қозон ҳам мой, чўмич ҳам.

Айни пайтда А. К. Ботиров бригадасида бўлғуси ҳосил ташвишида меҳнат маромида давом этаётир. Иш бошида тадбиркор саркор.

Акрам ака билан суҳбатлашсангиз баҳри-дилингиз очилади: билимдон, кенг мушоҳадали инсон. Ҳамиша меҳнатидан қониқиш ҳосил қилмайди, орзулари кўп. Суҳбатимиз Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастурига бориб тақалганда, у киши дастурни маъқуллаяжагини, мабодо Олий Мажлис депутатлигига сайланса, у фаолиятининг муҳим дастури бўлишини таъкидлади.

### Ҳамит Бобоқулович РАВШАНОВ, 59-Когон сайлов округи

У 1978 йилда Тошкент Политехника институтини тамомлагач, "Ўзбекгазсаноати" бирлашмасига қарашли автокорхонада катта муҳандис-энергетик, касаба уюшмаси қўмитасининг раиси вазифаларида ишлади. 1984 йилда Когон тумани партия қўмитасига инструкторликка чақиришди. Орадан бир йил ўтмасдан туман ижроия қўмитаси раисининг муовини лавозимига сайланди. Беш йил давомида унинг раҳбарлигида туман ҳудудида мактаб, боғча, шифохоналар қурилди. Юз километрли газ, сув қувурлари тортилди. Янги йўллар, алоқа тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳаёт—катта мактаб, унда ҳар ким ҳар хил таълим олади. Ҳамит Равшанов Бухоро графит-ганч комбинати раҳбари бўлганда ҳам, ҳозир ҳам давр билан ҳамнафас қадам ташлайди. Меҳ атни енгиллаштириш, ишчилар малакасини ошириш, шогирдлар етиштириш илинжида юради. Ўтган давр мобайнида бирлашмада охак, ганч, графит, мармар маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ошди, сифати яхшиланди. Равшановнинг ташаббуси билан ганч ва охак конларидан комбинат ҳамда заводларгача 7 километр темир йўл тортилди. Шу йил қуввати 650 минг тонна ганч ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди.

Бирлашма Мўғилистон, Россия ва бошқа мамлакатлардаги корхоналар билан иқтисодий алоқалар ўрнатган. Бу ерда қисқа муддатда инглиз тилини ўрганиш тўгараги фаолият кўрсатяпти. Унда 9 нафар ходим таълим олиб тил ўрганди. Улардан уч киши 21 кун Англияда бўлиб қайтди. Буларнинг барчаси тадбиркор раҳбарнинг эл қайғуси билан яшаётганлигидан далолатдир.

У айни пайтда Бухоро қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори вазифасида хизмат қилмоқда.

### Қорёғди Тошқулович ЭРГАШЕВ, 60-Олот сайлов округи

Қорёғди Эргашевнинг умр фалсафасини меҳнат ташкил этади. У 1975 йили Тошкент Давлат чет тиллар институтини битириб, қишлоқдаги 6-мактабда иш бошлаган кунданоқ ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилди. Тез орада жамоадагина эмас, балки туманда кўзга ташлана борди.

Орадан етти йил ўтгач, Қ. Эргашев янгидан ташкил этилган "Пахтакор" жамоа хўжалигига раис ўринбосари этиб сайланди. У ҳам раис муовини, ҳам бошланғич партия ташкилоти котиби вазифасини бирга олиб боришга эришди. Котиб хўжаликда партия ташкилоти обрўсини ошириш, ЎзХДПнинг дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда фаоллик кўрсатаётгани ҳаммани қувонтиряпти.

Бошқарув билан партия ташкилоти ўртасида тўсиқ эмас, балки ҳамкорлик борлигидан хўжаликда режалар бажарилиб боряпти, ижтимоий масалалар ҳал этиляпти.

Котиб соғлом авлодни вояга етказиш учун хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш, уларни муҳофаза қилиш пайида бўлмоқда. Шу боис хотин-қизлар иш соатлари қисқартириляпти. Ҳомиладорлик таътили узайтириляпти. Мактаб, боғчалар фаолиятига бўлган эътибор оширилмоқда.

Ўз жойида қадр ва эътибор топаётган, 31 баҳорни қаршилаган камтарин бу инсонга халқ ишонч билдиргани катта бахт.

*Саҳифа материалларини "Ўзбекистон овози" махсус мухбирлари Даврон БАҲРОНОВ ва Салим АШУРОВлар тайёрладилар.*

### Джалалетдин Каримович Нуруллаев, 61-Пешку сайлов округи

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгашининг биринчи котиби Ж. Нуруллаевга мухбиримиз бир неча саволлар билан мурожаат этди:

**— Вилоятда сизни партия ишида садоқат билан ишлаганлардан бири сифатида танишади. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?**

— Инсонда аввало ягона эътиқод бўлиши керак. Эътиқодни меҳнат билан сайқаллаб борсангиз, иймонингизга путур етмайди. Партия ишига ўтишимдан олдин Бухоро шаҳар комсомол қўмитасида инструктор бўлиб ишладим. Сўнгра Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши ҳисобланган ип-газлама комбинатида қурилиш штабини бошқарганман. Шундан сўнггина — етарли қўшимча малака ҳосил қилганимдагина мени партия ишига олишган.

**— Сиз 1993 йил февралидан бошлаб Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят Кенгашининг биринчи котибисиз. Ўтган даврдаги ишингиздан қониқасизми?**

— Тўғрисини айтсам, партиявий ишда ташналик, ҳаракат, интилиш устивор бўлиши керак. Бирмунча ютуқларимиз борлигидан кўз юммаймиз.

**— Номзод сифатида сайловолди дастурингиз борми?**

— Бизнинг ҳамма ўй-фикр, халқ манфаатини кўзлаган фаолиятимиз дастури ЎзХДПнинг сайловолди Сиёсий дастурида тўлиқ аксини топган. Бу биз учун ҳаётий қўлланма бўлади.

### Раззоқ Фаттоевич ШУКУРОВ, 62-Ромитан сайлов округи

У маориф соҳасида 23 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келяпти. Унинг қувончи, жон-дили — болалар.

— Ўзбекистоннинг келажаги ёшлар қўлида, — дейди муаллим. — Уларни Ватан корига ярайдиган, билимдон кишилар қилиб тарбиялаш эса биз-маориф ходимлари меҳнатига, изланишига, масъулиятига боғлиқ.

Ҳа, Раззоқ ака ҳақ гапни айтди. Ислоҳотлар даврида ёшлар тарбияси муҳим аҳамият касб этиши барчага аён. Мактабда ҳам чуқур ислоҳотлар давом этаётган бир пайтда у туман халқ таълими бўлими мудири сифатида масъулиятни чуқур ҳис этади.

Мудирнинг елиб-югуриши, талабчанлиги туфайли таълим-тарбия соҳасида бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозир туман мактабларида 300 дан ортиқ фан ўқув хоналари, 72 та ўқув устахонаси, 19 та ЭҲМ хоналари фаолият кўрсатяпти. 22 та мактаб замонавий усулда қурилган, газлаштирилган.

ХДП аъзоси Р. Шукуров ташкилотчилигини туман мактаблари вилоят танловларида фахрли ўринларни олиб келаётганлигида ҳам кўриш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, мудирман, раҳбарман деб Раззоқ ака ҳаволанмайди. Миллий мактабимизнинг келажагини ўйлайди, шогирдларига ҳам буни таъкидлаб боради. Шу билан бирга, ўз фарзандларини ҳам эл корига ярайдиган қилиб тарбиялаяпти.

### Абдували Абдусаматович АБДУВАҲОБОВ, 63-Шофиркон сайлов округи



А. А. Абдуваҳобов 1941 йилда туғилган, миллати ўзбек. Тошкент Давлат университетининг кимё факультетини тамомлаган (1965); кимё фанлари номзоди (1968), кимё фанлари доктори (1980), профессор (1981), Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси (1989). А. А. Абдуваҳобов 1973 йилдан 1987 йилгача О. С. Содиқов номли Биоорганик кимё институтида лаборатория мудири, 1987 йилдан 1993 йилгача шу институт директори бўлиб ишлади. 1992 йилдан 1994 йилгача А. А. Абдуваҳобов Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кимё-технология ва Ер ҳақидаги фанлар бўлимига раис, 1994 йилдан ЎзФА вице-президенти ва Президиум аъзоси вазифасида ишлаб келмоқда.

А. А. Абдуваҳобов ташкил этган биоорганик кимёгарлар мактаби катта обрўга эга. Олимнинг бир қанча шогирдлари олий ўқув юртларида, жумҳуриятимиз ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги илмий-текшириш институтларида меҳнат қилмоқда. Улар А. А. Абдуваҳобов мактабининг анъаналарини давом эттириб, ўз соҳаларида етакчи олим бўлиб етишдилар.

Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, деган нақл бор. Илмнинг узун ва машаққатли йўлида дадил одимлаётган Абдували Абдусаматович бу ҳикматнинг ҳақлигига имон келтирган. Нафақат илмда, одамийликда ҳам ён-атрофдагиларга намуна бўлиш унинг умр моҳиятига айланган.

### Қосимжон Рўзиевич РАЗЗОҚОВ, 64-Қоракўл сайлов округи

Эндигина ўттизга кирган Қосимжон беш йилдан буён ёшлар билан — ёшлар ташкилотида ишлайди. Дастлаб 1986 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини муҳандис-технолог ихтисоси бўйича тамомлагач, Қоракўл ип-йигирув фабрикасида смена мастери, катта мастер, цех бошлиғи, бош муҳандис бўлиб ишлади.

Шундан сўнг комсомол ишига ўтди. Қоракўл туман комсомол қўмитаси иккинчи котиби, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Бухоро вилоят қўмитаси бўлими мудири сифатида 1992 йилгача фаолият кўрсатди. Айни пайтда ўзи туғилиб ўсган туман ёшлари етакчиси.

Қосимжон Рўзиевич Раззоқов туманга қайтгач, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг бошланғич ташкилотлари тизимини тузишда жонбозлик кўрсатди. Ақл-заковатини ишга солиб, ёшларни янги ташкилот атрофига мустаҳкам жипслаштирди.

Бахтини меҳнатдан излаётган Қосимжон асло кам бўлгани йўқ. У Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман Кенгаши ижроия бюросининг аъзоси ҳамда туман ҳокимлигининг ёшлар масалалари бўйича жамоатчилик асосидаги муовини сифатида катта обрўга эга. Унинг бевосита ташаббуси билан туман ёшлар жамғармаси ташкил этилган.

### Баҳодир Ваҳобович ИСТАМОВ, 65-Сармижон сайлов округи

— Ижтимоий келиб чиқишим— кохозчи-деҳқон оиласидан,— дейди Баҳодир Ваҳобович.— 1958 йилда таваллуд топдим. Миллатим — ўзбек. Маълумотим — олий. 1977-79 йилларда мажбурий ҳарбий хизмат муддатини ўтадим. 1991 йилдан ХДПга аъзоман. Уйланганман. 3 фарзандинг отасиман.

Тошкент ҳуқуқшунослик техникумида олаётган таҳсилим 1976 йилда ниҳоясига етган, Ғиждувон туман ижтимоий таъминот бўлимига ишга кирдим. 1988-93 йилларда Москвадаги меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академиясининг ижтимоий иқтисод институтида ишдан ажралмаган ҳолда ўқидим. Касаба уюшмалари тизимидаги иш тажрибам сал кам ўн йиллик фурсатни қамраб олади. Менинг ташаббусим билан Ғиждувон туман касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши, туман, шаҳар ҳокимликлари шартномаси асосида 247 нафар кичик тиббий ходимлар Ғиждувон жамоат транспортида йўлкирани тўлаш мажбуриятидан озод этилганлар... Мухтасар таржиман ҳолим ана шу...

**ТАВСИФНОМАдан: Ўзига нисбатан талабчан, илмга чанқоқ. Ишда маҳоратли. Хушхулқ. Гўзал фазилатли. Билимдон. Тажрибали. Фаоллар орасида ажралиб туради. Масъулиятли. Ҳамкасблари-ю, элдошлари аро салмоқли мавқе, обрў ва нуфузга эга.**

### Ойдин ҲОЖИЕВА, 66-Ғиждувон сайлов округи

Қизилтепа туманидаги Бўстон деган қишлоқдан Тошкентга биринчи толиба қиз — Ойдин Ҳожиева кириб келганида 1960 йил эди. Ўшанда Мирза Азим Сомий Бўстоний (аввалги М. Горький) номидаги мактабни кумуш нишон билан битирган Ойдинни туманда ҳаваскор шоира сифатида яхши таниширди. У 1960-65 йилларда ТошДУ филология факультетида таҳсил кўрган. Излаш, кашф этиш, топганларини ҳикоя қилиш унинг фаолиятида бош йўл, бош сўз бўлди. О. Ҳожиева "Шарқ юлдузи", "Саодат", "Гулхан"да хизмат қилди, айни дамда "Саодат" журналига раҳбарлик қилмоқда. Унинг ижоди, меҳнати халқимизнинг қувончи, ташвишлари аро намоён бўлди.

"Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мукофоти лауреати", "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси", "Ўзбекистон халқ шоири" каби шоирага тақдим этилган мукофот, унвонлар унинг ҳалол яшаган, ижод этган ҳаёт китобларининг муносиб сарлавҳаларига ўхшайди.

**Шу миллат ҳусни, эрки деб**
**Ўзинг ур чархи давворга,**
**Истиқлол де, кечиб жондан**
**Бошинг қўйгил пойдеворга!**

Бу шоирининг ёлғиз ўз қалбига эмас, қарамликдан қутулаётган барча миллатдошларимизга даъватидир. Зотан, Ойдин Ҳожиева сўздагина эмас, ишда ҳам истиқлол йўли ва элига хизматни, сидқидилдан хизматни ўзининг асосий бурчи деб билади.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

# ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

**1994 йил 25 декабрь якшанба — САЙЛОВЛАР куни**

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

### Эргаш ЖЎРАБОЕВ, 67-Жиззах сайлов округи



Эргаш Жўрабоевнинг касби шофёрлик. Шу соҳада ишлаб обрў топган. Оддий шофёрликдан жамлама директори ўринбосарлигигача, кўтарилган.

Депутатликка номзоднинг таржимаи ҳоли ҳам оддий. 1949 йили туғилган, 1967 йил меҳнат фаолиятини бошлаган. 1991 йилдан ХДП аъзоси. Корхона бошланғич партия ташкилоти котиби. Оилали, икки ўғил ва тўрт қизнинг отаси.

Яқинда маҳалла аҳли унга ишонч билдиришиб, Жиззах шаҳар "Кўтарма" маҳалла фуқаролари йиғинига раис қилиб сайлашди. Фикри тиниқ инсон. Бир эътибор беринг-а: — Ўзбекистон Халқ демократик партияси — мустақиллик фарзанди. Бу партиянинг мақсади — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг бой-бадавлат яшаши ва фаровон ҳаёт кечириши учун курашиш. Шу маънода менинг номзодим ҳам Халқ демократик партиясидан қўйилганлигидан хурсандман. Кези келганида айтиб ўтай, партиямизнинг обрўйи баланд. Партия менга нима берди, дегувчиларга жавобим шундай: сен партияга нима бердингу, халққа қандай хизмат қилдинг. Маҳалла фуқаролари йиғини раиси сифатида шунга амин бўлдимки, одамлар бўлажак сайловларга умид билан қарашмоқда. Халқ кимни сайлашни ўзи билади. Бир сўз билан айтганда, халқнинг иродаси ғолиб чиқади.

Мабодо, Республика Олий Мажлиси депутатлигига сайлансам маҳалла аҳли, ишчилар манфаатини кўзлайдиган қонун ва қарорлар қабул қилиниши учун курашаман. Демократик ҳамда кўп партиялилик асосида ўтадиган сайловларда бизнинг партиямиз ғолиб чиқишига ишонаман.

Биз ҳам Сизга ҳамроҳмиз.

*Демократия — инсоний ҳаётимизнинг сиёсий шарти, ҳуқуқ ва бурч уйғунлигидир! Ҳамма жойда мустаҳкам тартиб ва интизом ўрнатайлик.*

**(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан).**

### Парда ЗИЯТОВ, 68-Учтепа сайлов округи

Парда аканинг суяги меҳнатда қотган, десак муболаға бўлмас. Қарийб чорак асрдан буён Жиззах туманидаги Ҳ. Носиров номли жамоа хўжалигида пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаб келаётир. Меҳнаткаш. Ўз касби билан фахрланади. Ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган.

1990 йили Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигига сайланган. 1991 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали, олти фарзанди бор.

— Халқ депутати сифатида Олий Кенгаш сессияларида муҳим қонун ва ҳужжатларнинг қабул қилинишида иштирок этганимдан мамнунман, — дейди Парда ака. — Бизнинг фаолиятимиз тарихда қолади. Чунки шу даврда мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси қабул қилиниб, давлат Гербимиз, Мадҳиямиз, Байроғимизни тасдиқладик. Бир сўз билан айтсам, юртимиз тинчлиги, халқларимиз тотувлиги учун озми-кўпми ҳисса қўшган бўлсам, ўзимни бахтиёр санардим.

Сайланажак депутатлар ҳам халқимиз ва давлатимизга хизмат қилиб, ҳуқуқий демократик давлатни қуришда фаол иштирок этишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Халқ демократик партияси номидан унинг ҳам номзоди кўрсатилганлиги бригада аъзоларини қувонтирди. Оддий пахтакор қишлоқ хўжалигини, хусусан, пахтачиликни ривожлантириш, кам меҳнат сарф қилиб кўпроқ маҳсулот етиштириш хусусида катта минбарларда гапиради. Деҳқонлар манфаатини ўйлайди. Мақсад — Ўзбекистонимиз обод ва озод бўлиб, элимиз фаровон яшасин.

## МАРКАЗЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни намунали ўтказиш юзасидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини пухта ташкил этмоқда. Тузилган гуруҳларга зиёлилар вакиллари, партия фаоллари, талабалар, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарлари ҳамда фахрийлар жалб этилган. Бу гуруҳ аъзолари ХДП шаҳар ва туманлар кенгашлари ҳузурида амалий фаолиятни бошлаб, фуқаролар ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Гуруҳ аъзолари жойларда жамоатчилик асосида ахборот ва тарғибот марказларини ташкил этишмоқда. Марказлар меҳнат жамоалари, маҳаллаларда, ёшлар ўртасида, олис қишлоқ, овул ва ўтовларда ҳам сайловолди ишларни йўлга қўйиб унинг сиёсий моҳиятини тарғиб-ташвиқ қилмоқда.

Худди шу марказлар орқали жойлардаги маҳалла қўмиталари, фахрийлар кенгашлари, Ёшлар Иттифоқи, касаба уюшмалари ҳамда хотин-қизлар кенгашлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан бевосита ҳамкорлик ўрнатилди. Бу эса ЎзХДП вилоят кенгашининг кенг жамоатчилик билан ҳамфикр, ҳаммаслаклигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Марказларга раҳбарлик, улар ишини бекаму-кўст уюштириш эса бевосита вилоят кенгаши зиммасида. Шунинг учун ҳам кенгаш масъул ходимлари ва фаоллари шаҳар ва туманлар кенгашлари ҳузуридаги ахборот-тарғибот марказларида тез-тез бўлиб, улар ишини яхшилашда бош-қош бўлишмоқда. ХДП Навоий, Навбаҳор, Нурота, Хатирчи туманлари кенгашлари ҳузуридаги оммавий ва сиёсий ишлар марказларида сайловларга оид зарур воситалар, керакли қўлланмалар олдиндан тайёрлаб қўйилган.

Вилоят кенгаши сайловларнинг муваффақиятли ўтиши учун ҳамма зарур ишларни қилмоқда.

**М. ШАРОПОВ, "Ўзбекистон овози" мухбири.**

Ўзбекистон — Афғонистон қўшма корхонаси "Самар"нинг дубликат муҳри

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти пахтани харид этиш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш давлат акционерлик бирлашмасига қарашли қурилаётган корхона маъмуриятининг юмалоқ муҳри йўқолганлиги муносабати билан

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

### Сагдулла Абдуллаевич ЭШБАЕВ, 69-Зарбдор сайлов округи

Сагдулла ака депутатликка номзоди қўйилган кунларда Жиззах туманидаги "Бобур номидаги ижара ширкатлар бирлашмасида раис эди. Бундан бир неча кун илгари эса Жиззахдан хушхабар келди. Халқ депутатлари туман кенгашининг сессиясида Сагдулла Эшбаев Жиззах туман ҳокими этиб тасдиқланди. Аслида-ку, қаҳрамонимиз ҳаётига шунинг ўзиёқ бир баҳодай туюлади-ю...

С. Эшбаев бундан 43 йил илгари тумандаги Қораянтоқ қишлоғида туғилган эди. Чет (француз) тили ўқитувчиси мутахассислигига ўқиди. Бир неча йил мактабда дарс ҳам берди. Аммо, болалиги ўтган пахтазорлар уни ҳамиша ўзига тортарди. Отаси Абдулла бобонинг 42 йиллик умри қишлоқ хўжалигида ўтганиёқ бунга далолат. Хуллас, Сагдулла ҳам "касбини ўзгартирди".

— Табиб табиб эмас, бошдан ўтказган табиб, — дейди С. Эшбаев. — Болалигимда тушлик вақтлари механизаторларни қўярда қўймай тракторларини ҳайдардим. Культивация қилардим, ер шудгорлардим. Ўша дамларда деҳқоннинг заҳматкаш меҳнатига гувоҳ бўлганман.

**— Хўжаликда бозор муносабатларига ўтиш даври қандай кечмоқда — савол берамиз.**

— Меҳнат бор жойда депсинниб қолиш бўлмайди. Меҳнатни ташкил этиш эса бугун айтишгагина осон. Аввало, меҳнаткашни рози қилсангизгина ундан бир нарса талаб қилиш мумкин ва маъқул ҳам. Хўжаликдаги иккита ғишт заводимиз, 15 тонна узум қуритадиган цехимиз келтираётган даромадни ҳам шу элимизнинг корига ататяпмиз. Хўжалик юз фоиз ичимлик суви, 96 фоиз табиий газ билан таъминланган. Жорий йилдаги ҳисоб-китобларимиз умумий йиллик фойдамиз 560 минг сўмдан ошишини кўрсатяпти....

Булар энди Сагдулла аканинг куни кечаги фаолиятига чизгилар. Бўлажак депутат, туман ҳокими С. Эшбаев элнинг фаровонлиги учун бугун белига камишдан белбоғ боғлагани шубҳасиз.

### Сайфиддин ЗИЁДУЛЛАЕВ, 70-Бахмал сайлов округи

Сайфиддин акани ҳеч раис демайсиз. Энди, тасаввуримиздагига ўхшамайди-да. Дилкаш одам. Катта-ю кичик билан тенг муомала қилади. Суҳбатини олган киши яна бир учрашувга муштоқ бўлиб юради.

Ўзи жуда камгап киши, лекин суҳбатидан кўпни кўрган, ҳаётнинг ўнқир-чўнқир, гоҳи текис сўқмоқларини яёв ва оёқяланг кезиб чиққанлиги яққол сезилади. Суяги деҳқончиликда қотган. Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги техникумини тугатган 1959 йилда у қишлоқдошлари орасида биринчилардан бўлиб бундай маълумотга эришган эди. Кейинроқ, ишдан ажралмаган ҳолда қишлоқ хўжалиги институтида ўқиди.

У ишни ер тузувчиликдан бошлаган. Бироз ўтиб бўлимда бошқарувчилик қилди. 1972-1979 йилларда туман Партия XXIII съезди номли агросаноат бирлашмасида бош директорлик қилди. Қарийб ўн тўққиз йил давлат хўжалигини бошқарди. Бу муддат унинг меҳнати, одамлар билан ишлай олишига муносиб бир баҳо ҳамдир.

**— Ҳаётимиз мана шу қишлоқлар ва қишлоқдошларимиз орасида ўтади, — дейди номзод. — 1994 йил март ойида Гулбулоққа келдим. Буёғи, энди ишлаяпмиз...**

— Депутат бўлиб қолсангиз... — савол бераман.

**— Аслида шундоғам ўзига яраша депутатмиз. Чунки мен бу сўзни ишонч маъносида тушунаман. Уни оқлаш эса катта бахт.**

Сайфиддин ака ўн фарзанднинг отаси ҳам. Олти ўғли, тўрт қизи бор. Пиру бадавлат киши.

Айтганча, ўзи санъат ва адабиётнинг шинавандаси.

**Одами эрсанг, демагил одами Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.**

деган ҳикматни яхши кўради. Буларни мақтов деб тушунманг. Бори ўзи шу.

Энди, бир киройи депутат бўлса, шундай бўлар...

### Даврон ҚУРБОНОВ, 71-Ғаллаорол сайлов округи

Даврон ҚУРБОНОВ яқинда 40 ёшга тўлди. Таржимаи ҳоли воқеаларга унчалик бой эмас. Мактаб, институт ва 17 йиллик меҳнат. Маржонбулоқ конида оддий кон мастерлигидан бош муҳандисликкача бўлган барча вазифаларда ишлаган. 1987 йилда Учқулоч кони директорлигига кўтарилган. Тўрт йил давомида конга моҳирлик билан раҳбарлик қилди, меҳнат унумдорлигини оширишга, кончиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга эришди. Кончилар шаҳарчасига табиий газ келтиришга, замонавий шифохона, почта-алоқа уйи ва кийим-кечакларни кимёвий тозалаш корхонаси қурилишида шахсан жонкуярлик қилганини, йўқни йўндириб, бу ишларга маблағ топа олганини ишчилар меҳр билан гапириб юришади. Унинг ташаббуси билан шаҳарчада барпо этилган 2,5 гектар боғ ҳосилга кириб, ҳамма баҳраманд бўлмоқда.

1990 йилда Маржонбулоқ олтин бойитиш конида ишлаб чиқариш эҳтиёжлари Давроннинг корхонага яна бош муҳандис бўлиб қайтишини тақозо этди. Қадрдон корхонада қазиш ишларида янгилик ярата олгани, ускуналарни такомиллаштиришга оид кўплаб ихтиролар қилгани кончиларга маъқул келиб, бултур уни директорлик вазифасига кўтардилар.

Кончиларнинг ижтимоий аҳволи яхшиланмоқда, 20 оилага коттедж уйлар қуриб берилди. Сангзор дарёсидан сув келтирувчи 21 километр узатиш қувури ишга туширилди. Темир йўл бекатида юк ортиш-туширириш базаси барпо этилди. Маржонбулоқ шаҳридаги ишлаб чиқариш ва жамоат бинолари қизғин таъмирланмоқда. Кончиларнинг ойлик маошлари 350-400 сўмдан кам бўлмаётир.

Даврон Қурбонов кон ишларини янада яхшилаш мумкин деб ҳисоблайди.

Давроннинг нияти холис — юртни сийму зарга буркашда катта ҳисса қўшиш. Шу йўлда қутлуғ ишлар қилмоқчи.

### Азим Алимович СУЮНОВ, 72-Зомин сайлов округи

Азим СУЮН адабиётимизнинг истеъдодли вакилларидан бири. У ҳозиргача ўндан ортиқ шеърий тўпламлар нашр эттирди. Албатта, гап айниқса, адабий жараёнда қилинган ишнинг ҳажми билангина ўлчанмайди. У тинимсиз меҳнат қилган ҳолда халқимиз назарига тушгулик манзумалар ёза олди. Ҳар бир шоирнинг ўз йўли, услуби бўлгани дуруст. Лекин нима бўлганда ҳам халққа яқинлик шоирнинг иқтидорини белгилаб келган. Азимнинг ҳам ўз ўқувчи-мухлислари борки, бу унинг бахти.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳар биримиздан собитқадамлик ва ҳалолликни талаб қилади. Бу фазилатлар эса қўққисдан пайдо бўлмайди. Аёнки, ҳар бир инсон маълум ҳаёт йўлини бошдан кечириб, шакллана боради.

Унинг меҳнат фаолиятига назар ташлайлик: Қурилиш, митти газетада адабий ходим, нуфузли нашриётда муҳаррир, Матбуот давлат қўмитасида адабий маслаҳатчи, Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб, "Халқ сўзи" газетида бўлим муҳаррири, ва ниҳоят, "Ўзбекистон овози" дек мўътабар газетанинг Бош муҳаррирлиги. Шоирнинг ижод ва ҳаёт йўли шундай. Устозлар сабоғини олиб, зийраклик билан ишлаётган дўстимизга чин инсоний фазилатларнинг бариси хосдир.

Яна нима дейман? Халқнинг қалбига қулоқ солган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Азимбойнинг Олий Мажлис депутатлигига Зоминдан кўрсатилганини эшитиб, суюндим. Чунки бир ёғи унинг ўзи тоғнинг боласи. Яна бир муҳим жиҳати, у тоғли зоминликларнинг орзу-ниятларини яхши англайди. Ўша заминнинг қувонч-ташвишларини куйлашига ҳам, ҳимоя қилишига ҳам ишонаман.

**Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири.**

### Содиқ Ахматович НИШОНОВ, 73-Мирзачўл сайлов округи



Агар умр йиллар билан ўлчанса, Содиқ Нишонов 58 ёшни яшаяпти, қилинган ишлар билан ўлчанса, бир неча 58 йилга арзигулик яшамоқда. У умр дафтарини ёшликдан мунсиб безатишга интилди. Ўқиди, изланди, бу йўлда з ҳматлар чекди. Ўзбекистон Д влат Университети, сўнг Озарбойжон Фанлар академияси география институти аспирантурасини битказди. Бугунги кунда у география фанлари доктори, профессор.

У 1970 йилда Самарқанд шаҳар партия қўмитаси мафкура бўлимининг мудири, кейин Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси мафкура бўлими мудирининг биринчи ўринбосари вазифаларида ишлади. 1974 йили янги ташкил этилган Жиззах вилояти партия қўмитаси котиблигига юборилди. У бир муддат Узкомпартия Марказий Қўмитаси фан ва ўқув юртлари бўлими мудири ҳам бўлиб ишлади. Унинг партиямиз ишига қўшган салмоқли ҳиссасини алоҳида айтиш жоиз. У Самарқанд вилоят партия қўмитаси котиби, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби вазифаларида ўз тажриба ва малакасини кўрсатди. Айниқса, вилоятда Халқ демократик партиясини ташкилий жиҳатдан оёқлантириш, ғоявий мустаҳкамлаш, халқчиллиги, жанговарлигини ошириш, обрўсини кўтариш борасида жонбозлик қилди.

Мана, икки йилдирки, Содиқ ака Жиззах давлат педагогика институтининг ректори.

Республика Олий Кенгашининг ўтган чақириқ кенгашлари сессияларида Содиқ Ниш нов депутат сифатида фаол иштирок этди. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда аниқ таклиф-мулоҳазалар билдирди. Халқ таълими ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш комиссиясига раислик қилди. Олий Мажлисга 73-Мирзачўл сайлов округидан депутатликка номзоди кўрсатилган бу инсоннинг одамларга яхши хизмат қилиш олий эътиқодидир.

### Гуландом Субҳановна СУБҲАНОВА, 74-Пахтакор сайлов округи

Гуландом СУБҲАНОВА — фалсафа фанлари номзоди, Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши депутати.

Сўнгги йилларда вилоят комсомол қўмитаси биринчи котиби, Мирзачўл туман партия қўмитаси котиби, вилоят партия қўмитаси мафкура бўлими мудири вазифаларида ишлаган.

Гуландом ўта қатъиятли, ўзсўзли аёл. Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, рус ва бошқа халқларнинг кўпгина урф-одатлари ҳамда анъаналарини яхши билади. Шу сабабли одамлар қалбига йўл топишга, уларнинг кўнглидаги ўйларини тез англашга моҳир. Ўтган йили вилоят ҳокими ўринбосарлиги вазифасидан Халқ демократик партияси вилоят кенгаши биринчи котиблигига ўтди.

Янги котиба ишни партия сафларини ғоявий — ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан, партия ташкилотларининг халқ, ҳокимият ва бошқа бошқарув идоралари билан алоқасини кучайтиришдан бошлади. Вилоятда тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳаракатларини кенг қўллаб-қувватлаш, меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза этишга жиддий эътибор бера бошлади. Ана шу қисқа вақт ичида вилоятда партиянинг ўз ўрни, ўз нуфузи борлиги сезилди.

— Ҳали бозор иқтисоднёти одамларимизни иқтисодий бойитиб улгурмаган бўлса-да, маънавий ва руҳий бойита олди,— дейди Гуландом Субҳанова.— Халқ юртбошимиз ибрат ўтказаётган ислоҳотлар моҳиятини, Ватан равнақи йўлида жонбозликларини тўла тушуниб, хайрихоҳлик билан қўллаб-қувватламоқда. Агар депутат бўлсам, оналик ва болаликнинг муносиб қадрланиши, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, миллатлараро дўстликни янада мустаҳкамлаш учун ҳаракат қиламан. Халқ таълими, фан, маданият ва тиббиётни ривожлантириш борасида ҳам ҳали кўп ниятларим бор.

Гуландом Субҳановани ҳақиқий ишнинг одами дейсиз. Эндиги катта ижобий ишларига 74-Пахтакор сайлов округининг Олий Мажлисга депутат қилиб сайланганидан сўнг гувоҳ бўламиз, иншооллоҳ.

### Баҳодир Отабоевич ЭШОНОВ, 75-Фориш сайлов округи

Баҳодир Эшонов илмий-текшириш институтининг кичик илмий ходимлигидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари лавозимигача бўлган катта меҳнат йўлини босиб ўтган.

У қайси вазифада ишлаган бўлмасин, ҳамиша кўзда тутилган мақсадга эришишга ҳаракат қилиб келган, ўзига ва бирга ишловчиларга нисбатан талабчанлик муносабатида бўлган.

Бу хусуситлар унинг Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари бўлиб ишлаган чоғида иш тажрибасини ортиришига омил бўлган, 1983 йили Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан унинг ижобий иш тажрибаси тарқатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари лавозимида ишлаш чоғида ҳам у ўзини яхши раҳбар сифатида намоён этди.

У фуқароларни қабул қилиш масаласига алоҳида муҳим эътибор бериб, уларнинг ва ташкилотларнинг қуйи судларнинг қарорларига келтирган шикоятларини адолатли ва холис ҳал қилинишига ҳаракат қилади.

Юқори даражадаги малакали юрист сифатида унга биринчи тоифа даражасидаги судья унвони берилган.

У Ўзбекистон Республикаси конституциявий судининг фаолиятида иштирок этиб келмоқда. Конституциявий суд қошидаги илмий маслаҳат кенгашининг раиси сифатида у конституциявий судда кўрилиши лозим бўлган ҳуқуқий актларнинг Конституцияга мувофиқлигини назорат қилади.

Баҳодир Эшонов ташкилотчи, одамлар билан ишлашда катта тажрибага эга. Камтарин, ўз ишига сидқидилдан ёндашади.

*Саҳифа материалларини "Ўзбекистон овози" махсус мухбирлари Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ ва Ҳусан ЭРМУҲАММАД тайёрлашди.*


**ТАШКИЛОТ**

*Тошкентдаги омбордан пул ўтказиш йўли билан 20 фоиз арзонлаштирилган нархларда қуйидагилари*

**ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

— 3 фазали қуввати 0,6 квт.дан 55 квт. гача бўлган минутига 750 дан 3000 метргача айланадиган асинхрон электродвигателлар;
— ОКСТ 67114 гидравлик пресси;
— ВР 8/2,2 ваккумли насослар;
— мевани думидан ажратувчи А-9-КЧЭ машинаси;
— ЭЦВ-4 чуқурлик насослари;
— ФКУ-3 колбаса цехи;
— чархлаш доиралари;
— 100 фоизли каустик сода;

**сотиб олади:**

— ТДМ пайвандлаш қурилмалари;
— металлпрокати;
— кундузги ёритгичлар;
— магнитли ишга туширувчилар;
— қуввати 0,8 квт, минутига 1000 мартагача айланадиган ТО-31 электродвигателлари;
— қуввати 1,1 квт, минутига 1000 мартагача айланадиган ТО-32 электродвигателлари;
— халқ истеъмоли моллари.

**Қизиқарли тижорат таклифларини кўриб чиқамиз.**
**Кран ишларини бажарамиз.**

**МАНЗИЛГОҲ:** Фурқат кўчаси, 1-уй, 8-қават, 706-хона.
**Йўналиш:** Халқлар дўстлиги саройи.
**Телефонлар:** 45-75-58, 45-75-67.
**Факс:** 45-74-23.

**"ТИМАРТ" ФИРМАСИ**

*Телефонлар:* (3712) 91-0232, 91-6001.
донмий равишда МЕТАЛЛПРОКАТИНИ майда улгуржи ва вагонлаб харид этади ёки уларни алмаштиради.
Мавжуд металлпрокатини сотади.
Буюртма-хатлар қуйидаги манзилгоҳга юборилсин: 700005, Тошкент шаҳри, "8 Март" кўчаси, а/қ 73.

Масъулияти чекланган жамият Тошкент "ЛАКИ" савдо уйи
**ТУГАТИЛАДИ**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.
**Телефонлар: 68-73-34, 34-34-09.**

**ТАШКИЛОТ**

*Томат пастаси, жемлар, қуюлтирилган сут тайёрловчи кўп ишни бажарувчи қурилмани*

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Зарур бўлган чоғда қурилмани фойдаланиш учун тайёр ҳолда ўрнатиб бериш ҳам мумкин.**

**Манзилгоҳ: Фурқат кўчаси, 1-уй, 8-қават, 716-хона.**

**Йўналиш: Халқлар дўстлиги саройи.**

*Исмоил ТЎХТАМИШЕВ*

# МАРҒИЛОН БИР ТАРАФ, КУМУШ БИР ТАРАФ

## ЗАЙНАБ НИДОСИ

(туркумдан)

Умид билан бир ёстиққа қўйганман бош,
Алам билан юзларимни ювади ёш,
Тарк этмоқда вужудимни тоқат, бардош,
Марғилонга сиз бош олиб кетинг, Кумуш.

Ҳеч ким бермас қўли билан ёниқ бахтни,
Қайга қўяй юракдаги паймон-аҳдни,
Шайтон йўлдан урмай туриб мен бадбахтни,
Марғилонга сиз бош олиб кетинг, Кумуш.

Сиздан асло кам тутмагум мен ўзимни,
Умид билан тиккан эдим чин кўзимни,
Инобатга олинг айтар ҳар сўзимни,
Марғилонга сиз бош олиб кетинг, Кумуш.

Сиздан хабар келди оташ сал тинганда,
Интиқ кўнгил ҳар бир сўздан чил синганда,
Адо бўлдим асли сизлар от минганда,
Марғилонга сиз бош олиб кетинг, Кумуш.

Менга торлик қилаётир бу Тош шаҳар
Қўлларимда яшириндир заққум заҳар,
Бир балони бошламасдан, ё алҳазар,
Марғилонга сиз бош олиб кетинг, Кумуш.

***

Марғилон бағрида ўша расталар,
Ўшадир лутф-карам, ҳам одат ўша,
Одамлар мулойим, кўнглингни олар,
Ҳар дилни забт этган муҳаббат ўша.

Фақат энди йўқдир ҳусн тимсоли,
Ёлғизгина уни бўлмайди топиб,
Ҳаёлни тарк этмас гулгун висоли,
Кўпчилик сарсондир қидириб, чопиб,

Гўзал бир чаманда чиройда танҳо,
Фарзанд ҳам узукка мос тушган садаф,
Ҳар дилга муҳаббат жо экандир то,
Марғилон бир тараф, Кумуш бир тараф.

Кўп эрур аламдан зардобга тўлган,
Ҳар бир кўргулик-чун гуноҳкормиз, бас.
Бир зум чин висолдан баҳраманд бўлган,
Отабек бахтига қилурман ҳавас.

Ҳамон кўз ўнгимда ул нозик ибо,
Юракда қолдирган мангу ўчмас из.
Олис-олисларда келади садо,
Қулоғим остида "Сиз ўшамисиз? ! "

Йўлларга гоҳ ҳорғин кўз тикаман жим,
Марғилон қолгандай мунғайиб, ғариб.
Бир дам овоз беринг, эй Кумуш бибим,
Ўзим ҳам келганман Сизни ахтариб.

***

Хаёлингсиз танда жон етим,
Муҳаббатда бағри қон етим,
Бугун сенсиз Марғилон етим,
Қайлардасан, садо бер, Кумуш.

Кузатганди бутун Фарғона,
Кўзи қолмиш йўлга мастона,
Қадди эгик, мункайган она,
Қайлардасан, садо бер, Кумуш.

Тириклик ҳам аслида неъмат,
Орзу-ҳавас дилларда қат-қат.
О, бунчалар ҳаёт бешафқат,
Қайлардасан, садо бер, Кумуш.

Ҳижронингда йиғлаб ўтарман,
Юрак-бағрим тиғлаб ўтарман,
Номинг тутиб йўқлаб ўтарман,
Қайлардасан, садо бер, Кумуш.

Аҳди-вафо — армонинг эди,
Одамзодни рашк, ҳасад еди,
Бугун ишқдан кўнглим совиди,
Қайлардасан садо бер, Кумуш.

***

Чулғаб олар дилни қайғулар,
Бегонадир кўзга уйқулар,
Эй беғубор ҳислар, туйғулар,
Мени ташлаб қайга кетдингиз?

Кўзларимдан аримас намлар,
Дил овламас нозлар, карамлар,
Йўл пойлаган қоши қаламлар,
Мени ташлаб қайга кетдингиз?

Совигандай томирда қонлар,
Энтиктирмас Висол, ҳижронлар,
Лаззат берган лаҳзалар, онлар,
Мени ташлаб қайга кетдингиз?

Соғинаман кетган сарингиз,
Ўта бошлар қиммат, қадрингиз,
Ёлвораман, қайтинг барингиз,
Мени ташлаб қайга кетдингиз?

***

Нега мендан қилдингиз ҳазар,
Дил тубига чўкмишдир кадар,
Йўлларимга тўшалса ҳам зар,
Мен барибир Сиздан кетаман.

Баҳоимни сотдингиз арзон,
Талвасага тушган каби жон,
Аламлардан бугун бағрим қон,
Мен барибир Сиздан кетаман.

Яшаб келдим меровга ўхшаб,
Ҳисларимни совуриб, тўшаб,
Кўнгил уйи қолгандир бўшаб,
Мен барибир Сиздан кетаман.

Майли кўзим йўлга қолсин зор,
Дардларимга топилмасин кор,
Ҳали айтар қўшиқларим бор,
Мен барибир Сиздан кетаман.

Кўнгил уйи бузилиб бўлди,
Азоблар ҳам чўзилиб бўлди,
Интиқ диллар узилиб бўлди,
Мен барибир Сиздан кетаман.

Юрагимдан ёғилади ун,
Йил мисоли чўзилади тун,
Ўз умримдан қолса ҳам бир кун,
Мен барибир Сиздан кетаман...



***

Лоқайдлар атрофим олдилар ўраб,
Қувонч равотлари кетмишдир нураб,
Дўст ҳам келмагайдир бекор ҳол сўраб,
Нечун тушларимга кирдинг, Дилобар? !

Хаёллар елади безга, басир,
Нола, мунг кўнгилга кўрсатмас таъсир,
Ҳислар эзгуликка бўлмагай асир,
Нечун тушларимга кирдинг, Дилобар? !

Кўзларингга ногоҳ чўккандай ҳадик,
Гуноҳкор бандадай қаролмассан тик,
Гарчи биз бир умр айро яшадик,
Нечун тушларимга кирдинг, Дилобар? !

Кўзимнинг ёғини юрганлар ялаб,
Кулбамни тарк этди жонга ўт қалаб,
Орзу ҳам юз очмай сўнди қанчалаб,
Нечун тушларимга кирдинг, Дилобар? !

Кажрафтор тақдирнинг ранжидан толиб,
Мендан умид узмай саргардон қолиб,
Дилимга қайтадан туғёнлар солиб,
Нечун тушларимга кирдинг, Дилобар? ! "

*Илму ҳикмат ўтни ёндирар*

# ЕР ВА ЭЛ ФАРЗАНДИ

Мирзаали Муҳаммаджонов... Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, деҳқончилик илмининг фидойиси, қишлоқ хўжалигининг таркиб топиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги. Бу оқсоқолни юртимиздагина эмас, кўпчилик хорижий элларда ҳам яхши билишади, қадрлашади.

Мирзаали ака асли Фарғона водийсининг Боғдод туманидаги Конизар қишлоғида туғилган. Оталари Валижон ака деҳқончиликнинг барча нозик томонларини чуқур билган тадбиркор инсон бўлган экан. Оналари Хайринисо ая катта бир бойнинг қизи бўлиб, ўқимишли, маънавий тарбиячи, ўз фарзандларига бутун оналик меҳрини бериб улардан ҳаётнинг асоси бўлган меҳнатга муҳаббат ҳис-туйғусини уйғотган.

Бўлғуси академик 4-5 ёшидан бошлаб чўпонлик, деҳқончилик, боғбонлик, хуллас, ҳар қандай меҳнат билан банд бўлади. Унинг ҳаёт дорилфунуни шу тарзда бошланди. Деҳқончиликка бўлган орзу-муҳаббати унинг бир умрлик касбига айланди. Олий маълумот олиш орзуси ва моҳир мутахассис бўлиш иштиёқи ўз натижасини берди ва М. Муҳаммаджонов 1935 йилнинг охирида, яъни 20 ёшида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини имтиёзли диплом билан тугаллади. У институтни битириш муддатидан 4 ой илгари "Боғдод районида тупроқ шўрланишининг келиб чиқиши ва у билан курашиш чоралари" мавзуида диплом ишини "аъло" баҳо билан ёқлайди. Самарқандда диплом иши биринчи марта ёқланаётгани боис бу ҳимояга бутун шаҳардан мингта яқин ўқитувчи ва талабалар қатнашдилар. Бу "иш" ҳозир ҳам институт музейида энг қимматли экспонатлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Ер ишлари Халқ комиссари Р. Исломовнинг буйруғига биноан 1936 йилнинг февралида иқтидорли мутахассис Бухоро вилоятида янги ташкил этилган 2-Шофиркон МТСига бош ҳосилот этиб тайинланади. МТСда бир йилга қин директорлик вазифасини ҳам қўшиб ишлади. Шундай қилиб, ўзбеклардан биринчи дипломли бош агроном машина-трактор станциясида ва қишлоқ хўжалик ташкилотчиси сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган эди.

Ёш мутахассис 1938 йилнинг бошларида СоюзНИХИ қошидаги аспирантурага ўқишга кирди ва номзодлик иши юзасидан тажрибаларни Янгийўлдаги пахтачилик механизацияси ва агротехникаси марказий станциясида олиб борди ва 1940 йилнинг январь ойида, яъни 2 йилда муддатидан аввал маҳаллий миллат вакиллари орасида биринчилар қатори "Ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлаш усули" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва шу йилнинг ўзида Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи вазифасида иш бошлади.

Пахтачилик, ўсимликшунослик, деҳқончилик, тупроқшунослик ва экология соҳасида йирик олимлардан бири бўлмиш домланинг бевосита илмий ва амалий раҳбарлигида тупроқ унумдорлигини тубдан оширувчи деҳқончиликнинг янги системаси ишлаб чиқилган ва республиканинг 900 минг гектарга яқин майдонларида қўлланилган. Бугунги кунда тупроқ унумдорлигини ошириш, уни соғломлаштириш, тупроқдаги биологик мувозанатни тиклаш, бегона ўтлардан тозалаш, азотли ўғитлар маромини камайтириш ёки умуман қўлламаслик, экологик тоза сифатли пахта толаси, ем-хашак ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш имконини берадиган деҳқончиликнинг биологик системаси яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилиши кўзда тутилмоқда. М. В. Муҳаммаджонов раҳбарлигида 30 дан ортиқ фан номзодлари ва докторлари тайёрланган. У 340 дан ортиқ илмий ва амалий оммабоп асарлар, шу жумладан, 24 та монография муаллифидир. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг вилтга қарши кураш бўйича Координацион кенгашининг раиси сифатида ғўзанинг вилт касалига қарши курашга йўналтирилган илмий тадқиқотларни ҳар тарафлама ривожлантиришга, вилтга чидамли янги навлар яратилишига ўз ҳиссасини қўшди. 1981 йилдан бошлаб ҳозирга қадар ЮНЕСКО нинг "Инсон ва биосфера" дастури бўйича ўзбек миллий қўмитасининг раиси сифатида Республикада экологик вазиятни барқарорлаштириш соҳасида бир қатор йирик тадбирларни амалга оширди. Академик иштирокида яратилган Орол денгизини сақлаб қолиш концепцияси халқаро конкурсда ғолиб деб топилди.

Мирзаали Валиевичнинг тақдири қайси лавозимларда ишлашидан қатъи назар, илм-фан билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг Ўрта Осиёда деҳқончиликнинг мавқеини кўтаришда, умумий агробиология фанини амалиёт билан боғлаш борасидаги хизматлари беқиёс. Уларни ёзиб, айтиб тугатиб бўлмайди. Бугун устоз ўз умрининг саксонинчи остонасидан ўтаётир. Бу муборак остонада катта ҳаёт дея аталмиш мактабнинг ўчмас чироқлари ёниб турибди. Илоё, бу нурли чироқ ўчмасин.

**Остон ЖАЛИЛОВ,**
**академик.**
**Зуҳриддин САЛОҲИДДИНОВ,**
**биология фанлари номзоди.**

## АНДИЖОНДА БАЙРАМ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар бошланиб кетди. Байрамни ўтказиш ташкилий қўмитаси раисининг ўринбосари, уюшма котиби Тўра Мирзо тўйолди қувонч-ташвишлари хусусида шундай деди:

— Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллигини нишонлаш бўйича қарор чиққач, жойларда ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиш қизғин тус олди. Деярли барча вилоятларда қизиқарли байрамолди мулоқотлари уюштирилмоқда.

Мана, дастлабки тантаналарни Андижон вилояти бошлаб берди. Маълумки, ўткинчи иқтисодий қийинчиликлар қалам аҳлини ҳам четлаб ўтмади. Қоғоз танқислиги туфайли китоблар кам чоп этилаяпти. Шундай пайтда ижодкорга кўрсатилган ғамхўрлик халқимизни маънавиятга муносабатини билдиради. Андижонликлар дунёдан ўтган ўз ҳамюртлари — ёзувчилар оиласига баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатдилар. Вилоят ҳокими ўринбосари Назиржон Саидов раҳбарлигида бир гуруҳ ёзувчилар ижодкорлардан кўнгил сўраб, мулоқотда бўлдилар.

Сўнгра Охунбобоев номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган мулоқотни тинглаб, одамлар адабий гурунгларни соғиниб қолганини ҳис этасиз. Айниқса, туманлар ҳокимлари, ишбилармонлар, хусусий фирмалар эгалари бу кечада қатнашиб, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимига 100 минг сўмдан зиёд хайрия пули ўтказилгани ҳам бунинг исботидир. Баъзи ташкилотлар эса андижонлик ўнлаб ижодкорларнинг китобларини нашр этишда ҳомийлик қилишга тайёр эканликларини айтдилар.

Бобур номидаги Халқаро жамғарма раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зокиржон Машрапов катта тўй муносабати билан ижодкорларни қутлаб, Бобур номидаги халқаро жамғарма ҳисобидан Ҳиротда буюк шоир Алишер Навоий қабрини таъмирлаш ишлари бошланаётганлигини, шунингдек, Абдулҳамид Чўлпон туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан жамғарма махсус тадбирлар белгилаганини айтди.

Бизга ҳамроҳлик қилган шоир Рауф Парфи, ёзувчи Дадахон Нурий ва Абдулла Жалиллар Андижон халқининг адабиётга бўлган эътиборлари учун ташаккур изҳор қилдилар.

**Раъно УСМОНОВА ёзиб олди.**


# "СОВҒА"

## ЛОТЕРЕЯСИ ОРҚАЛИ СИЗ ЎЗИНГИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН НАРСАНГИЗГА ЭРИШИШИНГИЗ МУМКИН

ҲАЛИ БУНАҚАСИ ҲЕЧ БЎЛМАГАН. *"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИ БИРОР БИР БУЮМНИ ЮТИБ ОЛИШИНГИЗ УЧУН ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ. ЛОТЕРЕЯ ЮТУҚЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАР, ВИДЕОАППАРАТУРАЛАР, ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ТУРЛИ ХИЛ МЕБЕЛЬ ЖАМЛАМАЛАРИ, ҒИЛАМЛАР ВА БОШҚА КЎПЛАБ КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ БОР.

УНДА ЮТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ҒОЯТ КАТТА. ЎЗИНГИЗ ЧАМАЛАБ КЎРИНГ, ЛОТЕРЕЯ БЎЙИЧА ЮТУҚЛАР СУММАСИ ЧИҚАРИЛГАН СУММАНИНГ 70 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

БИЛЕТ БАҲОСИ — 10 СЎМ. *"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ! ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 1994 ЙИЛНИНГ 28-29 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

*"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИ — ОИЛАНГИЗ УЧУН АЖОЙИБ СОВҒАДИР!

*"СОВҒА"* лотереясини сотиб олсаниз қимматбаҳо ютуқ эгаси бўлишингиз мумкин. Сизни автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари ва шунингдек бошқа халқ истеъмол буюмлари кутмоқда.

ЎЙНАНГ ВА ЮТИБ ОЛИНГ!

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

*Ўзингизни қизиқтирган батафсил маълумотларни эса Сиз "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан олишингиз, шунингдек 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари бўйича ҳам олишингиз мумкин.*

"СОВҒА" лотереясини билетлари "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларида, ҳамма алоқа бўлимларида, савдо корхоналарида ва жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилади.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ | МАРКАЗИЙ БАНК | ЖАМҒАРМА БАНКИ | "ЎЗБЕКСАВДО" "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"


*Табиат ва инсон*

## ДАРАХТГА ДЎҚ УРСАНГИЗ...

Агар кабутар ғўнгини сувда ивитиб, ўша сувдан дарахт шохларига суркалса, меваси кўпаяди.

Агар дарахт мева қилмаса бир киши қўлига болта олиб, этагини белига қистириб, енгларини шимариб, ўзини ғазабланган қилиб кўрсатади. У дарахт томонга қараб югуради: "дарахтни томири билан кесиб ташлайман", деб қасд қилади. Бошқа киши келиб, дарахтни ҳимоя қилади ва унга: "Бу йил тегманг, келаси йил мева қилади!", дейди. Худо фармойиши билан келаси йили мева қилади ва бу тажрибада синаб кўрилган.

Агар боқила ширасидан дарахтга сочилса, меваси зиёда бўлади.

## ТОК ШОХЛАРИНИ КЕСИШ

Бу юмуш — токнинг асл танаси атрофида ўсиб чиққан ингичка шохларини олиб ташлашдан иборат. Агар уларда узум бўлмаса, ҳар бирини қўл билан юлиб ташлаш, пўлат асбоб текказмаслик керак. Аммо янги токдан чиққан ортиқча шохлар буталмай, ўз ҳолича қолдирилади.

Қўшимча: янги токнинг ортиқча шохларини бутамасликнинг сабаби шундаки, янги ток заиф ва кучсиз бўлади. Шохлари қанчалик кўпайса, томирлари ҳам шунча кўпая бошлайди. Бора-бора томирлари кучли, мустаҳкам бўла боради, ана шундай эҳтимол билан буталанмайди. Агар бир шохига зиён етса, иккинчи шохи соғлом қолади ва ток нобуд бўлишидан асраб қолинади.

Аммо токни қирқишнинг вақти далв ва ҳут ойининг ўртасидир. Баъзилар узум олингандан кейин куз ва хазонрезги вақтида кесадилар. Шуниси афзалдир. Бунда ток қувватли бўлади. Узуми кўпаяди. Баҳорда ток кўклашидан аввал кесилса токни заифлаштиради. Бунинг сабаби шуки, кесилган токдан сув оқади ва совуқ унга тез таъсир қилади.

Баъзиларнинг фикрича, токни кузда кесган яхши. Аммо ҳар бир токнинг ортиқчаси шунчалик кесилсинки, тўрт қисми кузда кесилса, бир қисми баҳорга қолсин. Гап шундаки, гоҳо қиш совуғи кесилган жойга таъсир қилади ва бир-икки бандини қуритади. Қолган қисми саломат қолади. Токни кесишга мўлжалланган арра ёки пичоқ ғоят ўткир бўлиши лозим. Токни ой нури кам бўлган пайтда кесган маъқул.

**"ЗИРОАТНОМА"дан.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси, жамоат ташкилотлари ҳамда "Умумий педагогика" кафедраси жамоаси мазкур кафедра мудири профессор Комилжон Ҳошимовга турмуш ўртоғи **Кароматхон ҲОШИМОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Маҳаллий саноат" Давлат корпорацияси жамоаси бош мутахассис Илҳом Отажоновга отаси **Отабой ОТАЖОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Фармацевтика институти ректорати ва жамоаси институтнинг ботаника кафедраси мудири доцент Холида Фаёзовна Маҳкамовага онаси **Соима СОЛИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кимё институти жамоаси лаборатория мудири П. О. Орифовга укаси **Қаҳрамон ОРИФОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.
Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 22.00. Г – 1276, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.


123456.